




ORIENTAL JOURNAL OF HISTORY, POLITICS AND LAW

journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl>

ASPECTS OF THE CRIME OF BRIBERY IN CONTRAST TO SIMILAR CRIME

Ruzigul Khudayberdievna Khojjeva

main doctoral student, Senior Lecturer

Tashkent State Legal university

Academy of Labor and Social Relations

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Corruption, bribery, bribery, bribery, mediation, civil servant, official, participation, fraud, bribery in trade.

Received: 11.08.24

Accepted: 13.08.24

Published: 15.08.24

Abstract: This article examines similar and different aspects of the necessary elements of the criminal offense of mediation in bribery, such as bribery, bribery, participation in bribery, bribery, fraud, bribery in commercial activities, bribery of a public servant. analyzed.

In addition, the scientific and theoretical opinions of legal scholars were studied and proposals were made in this regard.

ПОРА ОЛИШ-БЕРИШДА ВОСИТАЧИЛИК ҚИЛИШ ЖИНОЯТИНИНГ ЎХШАШ ЖИНОЯТЛАРДАН ФАРҚЛИ ЖИХАТЛАРИ

Рўзигул Худайбердиевна Хожиева

таъин докторант, катта ўқитувчи

Тошкент давлат юридик университети

Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Коррупция, порахўрлик, пора олиш, пора бериш, воситачилик, давлат хизматчиси, мансбдор шахс, иштирокчилик, фирибгарлик, тижоратда пора эвазига оғдириб олиш.

Аннотация: Ушбу мақолада пора олиш-беришда воситачилик қилиш жиноятининг порахўрлик жиноятлари бўлиши, пора олиш, пора олишда иштирокчилик, пора бериш, фирибгарлик, тижоратда пора эвазига оғдириб олиш, давлат хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш каби бир қанча жиноятлар билан жиноят таркибининг зарурий белгилари юзасидан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари таҳлил қилинган.

Шунингдек, бу ҳақида ҳуқуқшунос олимларнинг илмий-назарий фикрлари

Ўрганилиб, бу хусусдаги таклифлар баён қилинган.

АСПЕКТЫ ПРЕСТУПЛЕНИЯ ПОСРЕДНИЧЕСТВА ВО ВЗЯТОЧНИЧЕСТВЕ В ОТЛИЧИЕ ОТ АНАЛОГИЧНЫХ ПРЕСТУПЛЕНИЙ

Рўзигул Худайбердиевна Хожиева

основной докторант, старший преподаватель

Ташкентский государственный юридический университет

Академия труда и социальных отношений

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: взяточничество, взяточничество, государственный служащий, лицо, участие, взяточничество в торговле.	Коррупция, взяточничество, посредничество, должностное лицо, мошенничество,	Аннотация: В данной статье рассматриваются сходные и различные аспекты необходимых признаков уголовного состава преступления посредничества во взяточничестве, таких как дача взятки, взяточничество, участие во взяточничестве, взяточничество, мошенничество, подкуп в коммерческой деятельности, подкуп государственного служащего. проанализировано. Кроме того, изучены научно-теоретические мнения ученых-юристов и высказаны предложения по этому поводу.
--	---	---

КИРИШ

Ўхшаш таркибли жиноятларни ўзаро фарклаш жиноят ҳукукий нормаларни қўллаш амалиётидаги энг мураккаб ишлар жумласига кириб, бу борада ҳуқуқшунос олимлар ҳам, ҳуқуқ нормаларини амалда қўлловчилар ҳам борада купгина хатоликларга йул куйишмоқда. Сабаби жиноятларни бир-биридан фарклаш масаласини хал этиш вақтида тергов органлари ва судлар купинча эътиборни фарқловчи аломатларни таҳлил этиш ва таккослашга қаратадилар. Бирок, жиноят кодексидаги нормалардаги белги ва аломатлар бир қарашда ўхшаш бўлса-да, жиноят таркибий элементларига кўра бир-биридан фарқ қилади. Шу сабадан ўхшаш таркибли жиноятларни бир-биридан туғри фарклаш учун ҳар иккала жиноятни уларнинг таркибларидаги барча белгилар буйича таккослаш зарур.

Бунинг учун, аввало, пора олиш-беришда воситачилик қилиш жиноятининг айнан қайси турдаги жиноятлар билан ўхшаш эканлигини таҳлил қилиш зарур бўлиб, Жиноят кодексини таҳлил қилиш жараёнида пора олиш-беришда воситачилик қилиш жиноятини Хизматчини пра эвазига оғдириш ёки хизматчининг қонунга хилоф эканлигини била туриб, ҳақ олиш, фирибгарлик, пора олиш, пора бериш (да иштирокчилик) каби жиноятлар билан ўхшаш таркибли эканлигини кўриб ўтдик. Қуйида уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтамыз.

АСОСИЙ ҚИСМ

Пора олиш-беришда воситачилик қилиш билан хизматчини пора эвазига оғдириш ёки хизматчининг конунга хилоф эканлигини била туриб, ҳақ олиши ҳолатларини бир-биридан фарқлаш. Ушбу жиноят учун жавобгарлик ЖКнинг 213-моддасида назарда тутилган. Чунончи, хизматчини пора эвазига оғдириш ва мансабдор шахс бўлмаган хизматчининг конунга хилоф эканлигини била туриб, ҳақ олиши ёки мулкӣ манфаатдор бўлиши учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, жиноят объекти, субъекти ва субъектив томондан пора олиш-беришда воситачилик қилиш жинояти билан бир хил. Факатгина объектив томондан бу жиноятлар бир-биридан фарқ қилиб, хизматчини пора эвазига оғдириш жинояти объектив томондан давлат органининг, мулк шаклидан катъий назар, корхона, муассаса ёки ташкилотнинг. Жамоат бирлашмасининг, фукароларнинг узини узи бошқариш органининг мансабдор шахси бўлмаган хизматчисига уз хизмат мавкеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни узига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кузлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига конунга хилоф эканлигини била туриб, анча миқдорда моддий ҳақ бериш ёки уни мулкӣ манфаатдор этиш ҳаракатида намаёон булади. Пора олиш-беришда воситачилик қилиш жинояти эса, объектив томондан пора олиш ёки бериш хусусида келишувга эришишга каратилган, манфатдор шахсларнинг топшириги билан порани бевосита бериш билан боглик ҳаракатда намоён булади.

Бирок ушбу жиноят пора олиш-беришда воситачилик қилишга ўхшаш катор аломатларга ҳам эга бўлиб, улар:

биринчидан, хизматчини пора эвазига оғдириш жиноятининг содир қилиниш усули ва кўриниш шакли ҳам аҳамиятга эга эмас. Конунга хилоф тарзда моддий ҳақ олиш ёки мулкӣ наф кўриш хизматчининг шахсан ўзи томонидан ёки воситачи орқали, почта, телеграф ва шу каби бошқа хизматлар ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

иккинчидан, хизматчини пора эвазига оғдириш очиқдан очиқ ёки яширин шаклда бўлади. Оғдириш предметининг бир қисми хизматчига топширилганидагина эмас, балки у қабул қилиб олганидан кейингина хизматчини пора эвазига оғдириш тамомланган ҳисобланади. Шунинг учун хизматчини пора эвазига оғдириш предметини хизматчи қабул қилиб олмаган бўлса, унга моддий қимматликлар олиш ёки мулкӣ наф кўришни таклиф этиш, почта, хат орқали ёки посилкада жўнатиш ва ҳатто кариндошлари ёки воситачига топшириш, худди порахурликда бўлгани каби, тамомланган жиноят сифатида эмас, балки жиноятга суикасд қилиш сифатида квалификация этилиши лозим.

учинчидан, ҳар иккала жиноят ҳам туғри касд мавжуд булишини такозо этади. Бунда айбдорлар моддий қийматликлар топшираётганлигини (олаётганлигини) ёки моддий наф келтираётганлигини (кураётганлигини) англаб етади.

Пора олиш-беришда воситачилик қилишнинг пора беришда иштирокчиликдан фарқлаш. Ҳуқуқий манбаалрда ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида таклиф этилаётган пора олиш-беришдаги воситачиликни ва пора олиш-беришдаги иштирокчиликни фарқлаш мезони туғрисидаги масала, афсуски, аниқлик ва изчиллик билан тавсифланмайди. Бу борада ҳуқуқшунос олимлар ҳам ўзларининг илмий-назарий қарашларини эътироф қилишган бўлиб, хусусан, Р.А.Зуфаров фикрича, воситачининг фаолиятини фақат порани бериш билан чеклаш, шунингдек, унга “пора бериш ёки олишга кумаклашиш” сифатида қараш бу тушунчанинг мазмунини асоссиз чеклаш ва ҳатто нотурри талкин қилиш ҳамда уни пора бериш-олишдаги иштирокчиликнинг бошқа шакллари билан, хусусан ёрдамлашиш билан аралаштириш демакдир.

Б.В.Здравомысловнинг фикрига кўра, пора олиш-беришдаги воситачилик мустақил таркибга ажратилган ёрдамлашиш кўринишида бўлган жиноятдаги иштирокчиликдир. Бунда пора олиш-бериш ҳақидаги келишувга эришишга ёки унинг тадбик этилишига кўмаклашишнинг ҳар қандай шакли пора бериш-олишда воситачиликнинг таркибини ташкил қилади.

Юқорида таъкидланган фикрлар пора олиш-беришда воситачилик қилиш билан бирга пора бериш ёки олишга ёрдамлашиш ҳам бўлиши мумкинлигини истисно этмайди. Шу сабабдан пора олиш-беришда воситачиликни пора олиш ёки беришда иштирокчиликдан фарқлаш керак.

Пора олиш-беришда воситачиликнинг хусусияти авваламбор шундан иборатки, субъект бир вақтнинг ўзида икки жиноят содир этилишига: пора беришга ва пора олишга кўмаклашади.

Яъни, пора олиш ва беришнинг икки асосий субъекти (пора берувчи ва оловчи) ўртасида боғловчи буғин ҳисобланиб, воситачи улар ўртасида келишувга эришишга ва унинг амалга оширилишига кўмаклашади.

Пора олиш-беришдаги воситачидан фарқли уларок пора бериш ёки пора олишдаги ёрдамчи фақат пора берувчи ёки пора оловчи билан боғланади. Бундан англаш мумкинки, воситачиликнинг биринчи асосий белгиси - порахўрликнинг иккала субъектлари билан боўлиқлиги ҳисобланади.

Бундан ташқари, пора олиш ва пора беришнинг ташкилотчиси, шунингдек, далолатчиси айнаи вақтда воситачилик вазифаларини ҳам бажариши мумкин. Лекин унинг жинояти бу билан чекланиб қолмасдан, далолатчи тегишлича пора берувчи ёки пора оловчини жиноятга бошлайди.

Порахурликнинг ташкилотчиси эса, одатда, иккала жиноят субъектлари билан боғланган. Лекин воситачидан фаркли уларок у пора берувчини ва пора олувчини уларнинг ташаббуси билан эмас, балки ўз ташаббуси билан таништиради.

Шундай қилиб, пора олиш-беришда воситачиликнинг пора олиш ва пора беришда иштирокчиликдан фарк қиладиган яна бир белгиси шундан иборатки, воситачи ўз ташаббуси билан эмас, балки пора берувчи ёки пора олувчининг ташаббуси (илтимоси ёки топшириғи) билан ҳаракат қилади. Бундан ташқари, воситачи пора берувчининг манфаатларида пора эвазига қилмишни содир этилишига эришиб, унга қўмаклашади.

Бу ҳусусда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрда қабул қилинган “Порахурлик ишлари бўйича суд амалиёти туғрисида”ги қарорида тушунтириш берилган бўлиб, порани бериш ёки олишни ташкиллаштирувчи бунга йўналтирилган турли хил фаолият юритувчи ёки олишда ёрдамчи бўлган ва бир вақтнинг ўзида воситачилик ҳаракатларини бажарган шахс пора бериш ёки олишда иштирокчиликда жавобгар бўлади.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, иштирокчининг ҳаракатини тавсифлаш масаласи у кимнинг манфаатин қўзлаши, пора берувчининг ёки олувчининг ташаббуси билан ҳаракат қилганидан келиб чиқиб, унинг қасди нимага қаратилганлигини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиш лозим бўлиб, бундай ҳолларда Жиноят кодексининг 212-моддаси билан қайта тавсифлаш талаб қилинмайди. Бунда содир этилган жиноятларнинг жиноятлар мажмуини ташкил этмаслигини аниқлаш лозим.

Юқоридаги Пленум қарорида ҳам таъкидланганки, агар содир этилган қилмиш ёрдамлашиш доирасидан ташқарига чиқса, пора олиш-беришда воситачи шахс умумий ёки махсус субъект (мансабдор шахс) бўлишидан катъий назар, пора олиш ёки беришни ташкил этиш ёки унга далолатчилик қилиш, деб квалификацияси қилиниши керак. Бунда агарда субъект ўз хизмат мавқеидан пора берувчининг манфаатида фойдаланмасдан, фақат (воситачи) техник ролини бажарса (бу учун махсус ваколатлар талаб қилинмайди), бунда пора олиш-беришда иштирокчилик бўлмайди.

Юқоридаги баён қилинган таҳлилий фикрлардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак,

Биринчидан, пора олиш-беришда воситачилик қилиш жинояти пора олиш ва пора бериш жиноятига нисбатан мустакил жиноят деб қараладиган фикрлар тўғри ҳисобланади.

Иккинчидан, воситачининг фаолиятини фақат порани бериш билан чекламасдан, шунингдек пора бериш ёки олишга қўмаклашиш сифатида қараш бу тушунчанинг мазмунини асоссиз чеклаш ва ҳатто нотўғри талқин қилиш ҳамда уни пора бериш-олишдаги

иштирокчиликнинг бошка шакллари билан, хусусан ёрдамлашиш билан аралаштиришга олиб келади.

Учинчидан, пора олиш-беришда воситачи ўз ташаббуси билан эмас, балки пора берувчи ёки пора олувчининг ташаббуси (илтимоси ёки топшириғи) билан ҳаракат қилади. Бундан ташқари, воситачи пора берувчининг манфаатларида пора эвазига қилмишлар содир этилишига эришиб, унга қўмаклашади.

Пора олиш-беришда воситачилик қилишнинг фирибгарлик жиноятидан фарқлаш. Жиноят кодексининг 168-моддасига мувофиқ, фирибгарлик жинояти алдаш ёки ишончли суистеъмол қилиш йули билан ўзганинг мулкига булган ҳукукини қулга қиритиш билан боғлиқ жиноят ҳисобланадиб, жиноят объекти ўзганинг мол-мулкини қуриклаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар. Обьектив томондан эса, ушбу жиноят ўзганинг мулкини ёки мулкка булган ҳукукини алдаб ёки ишончга қириш йули билан содир қилиш билан намоён бўлади.

Фирибгарлик жинояти субъекти эса, ЖКга биноан, 16 ёшга тулган ақли расо жисмоний шахс жиноят субъекти бўлади. Субъектив томондан эса қасдан содир қилинади. Бундан қуришиб турибдики, пора олиш-беришда воситачилик қилиш жиноятининг ҳам объекти, субъекти ва субъектив томони фирибгарлик жинояти билан деярли бир хил. Факатгина объектив томондан фарқ қилипти, яъни фирибгарлик жиноятининг объектив томони жиноят ўзганинг мулкини ёки мулкка булган ҳукукини алдаб ёки ишончга қириш йули билан содир қилиш билан намоён бўлса, пора олиш-беришда воситачилик қилишнинг объектив томондан пора олиш-беришда хусусидаги қилишувга эришишга қаратилган, шунингдек манфаатдор шахсларнинг топшириғи билан порани бевосита бериш билан боғлиқ ҳаракатда намоён бўлади.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётдаги ҳолатлар шунини кўрсатадики, мансабдор шахсга пора сифатида топшириш учун олинган сумманинг бир қисми аслида пора олиш-беришда воситачи шахс томонидан узлаштирилган ҳоллар учрайди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Порахурлик ишлари бўйича суд амалиёти тугрисида”ги қарорида бундай ҳолатларни малакалаш бўйича тушунтириш берилган бўлиб, Қарорнинг 15-бандига мувофиқ бу турдаги қилмишлар фирибгарлик деб квалификация қилиниши керак. Бунда мулкқий қимматликни қўлга қиритиш мақсадида пора берувчи улар томонидан пора беришга оғдирилган тақдирда, айбдорнинг ҳаракатлари фирибгарликдан ташқари пора беришга қизиқтирувчи тариқасида қўшимча тавсифланиши керак.

Пора олиш-беришда воситачилик қилиш жиноятининг Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш жиноятидан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари. ЖКнинг 192⁹- моддасида назарда тутилган тижоратда пора эвазига оғдириб олиш жиноятининг айрим белгилари пора олиш-

беришда воситачилик қилиш жинояти таркибига ўхшашлиги ҳам мазкур нормани малакалашда айрим қийинчиликларни юзага келтиради.

192⁹- моддасида назарда тутилган тижоратда пора эвазига оғдириб олиш жинояти ва 212-моддада назарда тutilган пора олиш-беришда воситачилик қилиш жиноятларида жиноят таркиби жиҳатидан асосий фарқ объектив ва объектив томонда мавжуд бўлиб, 192⁹- моддада объект тадбиркорлик ва хўжалик юритувчи субъектларнинг қонун билан қўриқладиган ҳуқуқлари ва қонуний мафаатларига тажовуз қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабаатлар ҳисобланади ва объектив томондан ушбу жиноят нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг мансабдор шахсига нисбатан содир қилинади. ЖК нинг 192¹⁰- моддасида назарда тutilган нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш жиноятида ҳам шундай белгилар мавжуд бўлиб, фақатгина жиноятни содир қилган шахс бундай қилмиш учун олдин маъмурий жазо тортилган шахс томонидан содир этилганлиги жиҳатидан фарқланади.

ХУЛОСА

Юқоридаги фикрлардан хулоса қиладиган бўлсак, пора олиш-беришда воситачилик қилиш жинояти жиноят таркиби жиҳатдан Жиноят кодексидаги айрим жиноятлар билан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари мавжуд бўлиб, фирибгарлик, пора олиш, пора бериш, хизматчини ҳақ эвазига оғдириб олиш жиноятлари шулар жумласидандир.

Шунингдек, жиноятни содир қилиш шаклига кўра, мазкур жиноят иштирокчиликка ҳам ўхшаб кетади ва фарқли жиҳати ҳам бор. Жумладан, пора олишда иштирокчиликнинг мажбурий белгиси – субъектнинг пора олиш учун лавозими бўйича ўз ваколатидан бошқа иштирокчилар билан биргаликда ҳаракатлар содир этиш орқали фойдаланганлигидир. Бошқа субъектларнинг хатти-ҳаракатлари ЖКнинг 28-моддасига биноан квалификация қилиниши керак. Мансабдор шахс башарти ўзи ваколатларидан фойдаланмаган ҳолда хизмат фаолияти манфаатларига зид равишда бошқа мансабдор шахснинг пора олиши учун кўмаклашаётган бўлса, иштирокчи ҳисобланмайди.

Бундан ташқари, мазкур жиноятнинг фирибгарлик ва тижоратда пора эвазига оғдириб олиш жиноятларидан ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаш учун жиноят таркибининг белгиларига эътибор қаратиш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. 22.09.1994. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2020 й.,
2. Зуфаров Р.А. Порахўрлик учун жиноий жавобгарлик. Монография. – Т.: ТДЮИ, 2004.
3. Здрэвомыслов Б.В. Должностные преступления. - М., 1975. - 152-бет.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Порахўрлик ишларини бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори. 19-сон. 24.09.1999. // <https://www.lex.uz/docs/1449106>